

**ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)
№ 10/0003 - сонли**

Кўштепа тумани

«13» 10 2022 йил

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Кўштепа туман мактабгача талим булими номидан Низом асосида иш кўрувчи рахбар И.Махмудова бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “Камолхонов Жаҳон” МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи Ж.Камолхонов иккинчи томондан Кўштепа тумани МТБга карашли 28-сонли мактабгача таълим муассасасини жорий таъмирлаш ишларини бажариш бўйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйдаги таърифлар қўлланилади;

- ижро хужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги туғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги туғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши туғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови туғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

- қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

- вақтинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

- беркитилалдиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

- шартнома нархини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгиллаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга таксимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Смета хужжатларида кўзда тутилган лойиха бўйича ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошқа харажатларини ўз ичига олган ҳолда нархларда жами 136.466.722 (Бир юз ўттиз олти миллион тўрт юз олтмиш олти минг етти юз йигирма икки) сўм.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас, қуйдаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар қиймати Буюртмачи томони

дан ўзгартирилганда;

- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқ муддатга ўзгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- курилиш майдониغا зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлашни таъминлайди;

- курилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар куриш;

- Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, утказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

- курилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

- курилиш майдони кўрикланишини таъминлаш;

- курилишда таваккалчилик суғуртаси учун белгиланган суммага суғурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик суғуртаси тўғрисида шартнома тузади ва суғурта шартномаси билан суғурта полисини Буюртмачига тақдим қилади.

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мавжудлигини кафолатлаган ўзининг 20% га тенг бўлган ва унга хизмат кўрсатувчи банк тамонидан берилиши кафолатланган 20% айланма маблағларини мазкур шартномада кўзда тутилган объект харажатлари учун ўнумли ишлатиш мажбуриятини олади.

9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи ҳужжатларни (исполнительная документация) тулик ҳажмда тақдим қилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача бўлган даврга далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

-молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва молиялаштиришни амалга ошириш;

- Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятларини олади;

12. Буюртмачи мазкур шартномада кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.

14. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофик ишларни бажаради.

15. Объектни **20 календарь кунда** фойдаланишга топширилиши белгиланади .

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома бўйича ўзаро хисоб-китоблар миллий валюта - «сўмда» қилинади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ишларига 30 % миқдорда аванс утказди, бу **40940016.60 Қирқ миллион тўққиз юз қирқ минг ўн олти сўм 60 тийин** сўмни ташкил этади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш учун бюджетдан мақсадли берилган маблағлар 10 **банка** кунда молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади. (1,2-иловалар)

19. Буюртмачи томонидан молиялаштириш бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин ҳақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган ҳолда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширади.

20. Пудратчининг хисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объект қурилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект қурилишига зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, **меҳнатга ҳақ тўлаш, объект қурилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тўлаш** учун ва Ушбу объект қурилишининг бошқа харажатларига қатъий сарфланали.

21. Пудратчи жорий таъмирлаш ишларини молиялаштириш учун хисобот ойнинг охириг кунигача ва якуний молиялаштириш учун хисоб китоб учун қурилиш монтаж ишлари миқдори, харажатлари туғрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати туғрисидаги маълумотнома хисоб-варақ-фактурани» ўзи тўзиб тақдим қилади. Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.

22. Буюртмачига жорий таъмирлашни молиялаштириш ва якуний хисоб-китоб учун, бажарилган қурилиш-монтаж ишларини миқдори, сифати ва харажатлари текширувидан сўнг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати туғрисидаги маълумотнома-хисоб-варақ-фактура» асос булади.

23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини узида саклайди. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

24. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини еки техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиклигини текширади.

25. Беркитилган вакил ёки техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

26. Пудратчи беркитилган вакил ёки техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Беркитилган вакил техник аудитор пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

27. Пудратчи ишларни бажариш лойҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиклаштирилган ўз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг сувпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида аҳамиятга эга булган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларни бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин булган барча маълумотлар) ақс этирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини қуриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

КОРРУПЦИОН ҲОЛАТЛАРИНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРМАСЛИК ҲОЛАТИ

Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши қурашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлади, яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёхуд номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинишини қарор қилди.

Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ва (ёки) асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон тизим орқали) ёки ишонч телефонлари орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда, томонлар юзага келган ҳолатга оидлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушунтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ.

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб булмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга қузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қилдилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

X. КАФОЛАТЛАР.

34. Пудратчи:

- барча ишларни тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% миқдорда жарима солиш ҳуқуқига эга.

XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

35. Буюртмачи:

- шартнома кучи а киргандан кейин жорий таъмирлаш ишларини бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

36. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

37. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

38. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

39. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

40. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

41. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 май 2003 йилдаги ПФ-3240 сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 395 сонли қарори билан, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди.

42. Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлади ва:

- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома бўйича бунинг оқибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш кўзда тутилган ишларнинг бажарилмаган қисмининг 5% миқдорида жарима тўлайди;
 - буюртмачининг ҳисоб рақамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини уч банка кунда сабабсиз пудратчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% миқдорида жарима тўлайди;
 - шартномага мувофиқ ишларни бажариш жадвали бўйича бажарилган ишлар ҳажмини асоссиз равишда қабул қилиб тасдиқлашдан бош тортгани учун ушбу қабул қилиш, тасдиқлашдан бош тортган сумманинг 5% миқдорида жарима тўлайди;
 - шартнома шартларига мувофиқ тайёр ҳолда қабул қилиш учун тақдим қилинган объектни асоссиз равишда қабул қилишдан бош тортса шартнома қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;
43. Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида қуйидаги ҳолларда мулкни жавобгар бўлади ва:
- Ишларни бажариш жадвалида белгилангандан кам ҳажмда ишларни бажарса , мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмидан ҳар кечиктирилган кун учун 0.5% миқдорда пеня тўлайди.
 - Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдорда бажариб тегишли тартибдаги маълумотлар билан ҳисобот ойнанинг охири кунига қадар тасдиқлатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;
 - Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдордан кам бажарса, бажарилмаган қисмининг 5% миқдорида жарима тўлайди;
 - объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр ҳолда фойдаланишга топширмаса шартнома қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;
 - Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси тамонидан аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ун кундан ортиқ бўлмаган) муддатда бартараф қилмаса ушбу аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди.
44. Агарда томонлардан бири ўз реквизитларини шў жўмладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, корхона атамаси ёки мақомини нотўғри берса ва ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи тамонга ёзма хабар бермаса айбдор тамон иккинчи тамонга шартнома баҳосининг 0,1% миқдорида жарима тўлайди.
45. Бир тамоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тўғри келса, айбдор тамон иккинчи тамонга барча зарарларни қоплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.
46. Тамонларнинг мулкий жавобгарликка тортилиб тўлайдиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома қийматининг 30% дан ошмаслиги керак.
47. Тамонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкий талабларини далолатнома асосида тўлов талабномаси бўйича ақцептсиз амалга оширишга ҳақлидир.

ХШ. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

48. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки ўзгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган барча низоли масалаларни томонлар муҳокама билан келишувга эришмасалар, у ҳолда улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожат қилишлари мумкин.

ХIV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

49. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

50. Пудратчи қўрилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатсиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

51. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.
52. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.
53. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.
54. Мазкур шартноманинг нархлардаги келишилган суммаси меъёрий-қонун ҳужжатларига К.К.С. тўғрисида ўзгартиришлар киритилса қайта қўриб чиқилади.
55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.
56. Мазкур шартнома томонлар имзоланиб Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Ғазначиликдан рўйхатдан ўтгандан кейин юридик кучга киради ва ушбу шартнома 31.12.2022 йил гача амал қилади.
57. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

ХV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

ПУДРАТЧИ:

БУЮРТМАЧИ:

“Камолхонов Жаҳон” маъсулияти чекланган жамияти	Қўштепа туман Мактабгача талим бўлими
Манзил: Қўштепа тумани Пахтакор мфй Ёшларобод кўчаси ММТП базаси № 1 уй	Манзил: Қўштепа т. Шодлик мфй Бахмал №11 уй
Телефон: 97 955 9995	Телефон: 73-425-10-08
х/р: 20208000700223521001	х/р: 100022860302067091100251064
ИНН: 302 611 353	ИНН: 305155389 ОКЭД: 91513
Банк: АТБ Қишлоқ қурилиш банк Фарғона БХО	Молия вазирлиги газначилиги
МФО: 01037	х/р: 23402000300100001010
ОКОНХ: 92110	Банк: Маржавий банк Тош.ш.
	МФО: 00014 ИИН: 201122919

Рахбар

Ж.Камолхонов

Рахбар

И.Махмудова

МЎ

МЎ

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

VV1371284271

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: MTM tasarrufidagi 28-DMTT xojjatxona binosini ichki qismini joriy ta`mirlash 136 466 722 so`m.
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Qo`shtepa tumani maktabgacha ta'lim bo`limi tomonidan 12.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Qo`shtepa tuman
yuridik xizmat
ko`rsatish markazi
bosh yuristkonsulti:**



I.T.ASAMUTDINOV

13.10.2022



13.10.2022 йил

Кўштепа тумани

Кўштепа тумани Мактабгача таълим бўлими томонидан 04.10.2022 йил кунги лот №22110012155038 билан 28-сонли мактабгача таълим ташкилотини жорий таъмирлаш ишлари бўйича давлат харидлари порталига қўйилган эълон якуни бўйича йиғилиш

БАЁНИ №3

Қатнашдилар: Р.Тошхўжаев - *Аъзо*
Ш.Тожиматова - *Аъзо*
М.Иброхимов - *Аъзо*
А.Абдураззаков - *Аъзо*
Р.Яхёев - *Аъзо*

Энг яхши таклифни танлаш учун келиб тушган таклифлар:

1. ООО ЕЛЕКТРОМОНТАЖ
2. ООО КАМОЛХОНОВ ЖАХОН

Йиғилишда, иштирокчилар томонидан келиб тушган таклифлар баҳолангандан сўнг 2 иш кунли мобайнида муҳокамада бўлган. Ушбу муддат ичида иштирокчи корхоналар томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмади. Юқоридагиларни инобатга олиб комиссия

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўтказилган энг яхши таклифни танлашда энг юқори балл тўплаган ғолиб иштирокчи ООО Камолхонов Жаҳон хусусий корхонаси билан шартнома имзолансин ҳамда энг яхши таклифни танлаш натижалари ҳақидаги маълумотлар (йиғилиш баёни ва шартнома нусхаси) тегишли тартибда Давлат харидларини ўтказиш махсус ахборот порталига жойлаштирилсин.

Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш комиссия раиси зиммасида қолдирилсин.

Комиссия аъзолари

Р.Тошхўжаев

М.Иброхимов

А.Абдураззаков

Р.Яхёев

Ш.Тожиматова

Йиғилиш котиби:



ТАСДИКЛАЙМАН

Ш. _____

НУХСОН ДАЛОЛАТНОМА

ОБЪЕКТ БУЙИЧА: КУШТЕПА ТУМАНИ ГИШТМОН МФЙ ИБН СИНО КУЧАСИДА ЖОЙЛАШГАН 28-МТТ БИНОСИ ИЧКИ
ХОЖАТХОНА КИСМИНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ

КУЙИДАГИ ИМЗО ЧЕКУВЧИЛАР _____

ТАМИРЛАШ ИШЛАРИ АМАЛГА

ОШИРИШ УЧУН ТАХМИНИЙ ХИСОБ КИТОБЛАРГА ТАЯНГАН ХОЛДА ТАЁРЛАНГАН НУХСОН ДАЛОЛАТНОМАСИ

№№	НАИМЕНОВАНИЕ РАБОТ И РЕСУРСОВ	ЕД.ИЗМ	КОП-ВО
1	3	4	5
ДЕМОНТАЖНЫЕ РАБОТЫ			
1	ДЕМОНТАЖ ДВЕРНЫХ КОРОБОК В КАМЕННЫХ СТЕНАХ С ОТБИВКОЙ ШТУКАТУРКИ В ОТКОСАХ	100ШТ	0.06
2	ДЕМОНТАЖ ОКОННЫХ КОРОБОК В КАМЕННЫХ СТЕНАХ С ОТБИВКОЙ ШТУКАТУРКИ В ОТКОСАХ	100ШТ	0.04
3	РАЗБОРКА КЛАДКИ СТЕН ИЗ КИРПИЧА	10М3	0.3064
4	РАЗБОРКА ПОКРЫТИЙ ПОЛОВ: ДОЩАТЫХ	100М2	0.399
МОНТАЖНЫЕ РАБОТЫ			
5	УСТАНОВКА БЛОКОВ ДЕРЕВО АЛЮМИНИЕВЫХ ПРОФИЛЕЙ В НАРУЖНЫХ И ВНУТРЕННИХ ДВЕРНЫХ ПРОЕМАХ В КАМЕННЫХ СТЕНАХ ПЛОЩАДЬЮ ПРОЕМА ДО 3 М2	100М2	0.0608
6	УСТАНОВКА БЛОКОВ В НАРУЖНЫХ И ВНУТРЕННИХ ДВЕРНЫХ ПРОЕМАХ В КАМЕННЫХ СТЕНАХ ПЛОЩАДЬЮ ПРОЕМА ДО 3 М2	100М2	0.0756
7	УСТАНОВКА В ЖИЛЫХ И ОБЩЕСТВЕННЫХ ЗДАНИЯХ ФРАМУГ ИЗ АЛЮМИНИЕВЫХ ПРОФИЛЕЙ В КАМЕННЫХ СТЕНАХ, ОТКРЫВАЮЩИМИСЯ /ПОВОРОТНЫХ, ОТКИДНЫХ, ПОВОРОТНО-ОТКИДНЫХ/ С ПЛОЩАДЬЮ ПРОЕМА ДО 2 М2	100М2	0.0288
8	УСТРОЙСТВО ПОДСТИЛАЮЩИХ СЛОЕВ ГРАВИЙНЫХ	М3	15.96
9	УСТРОЙСТВО ПОЛОВ БЕТОННЫХ ТОЛЩИНОЙ 150 ММ	100М2	0.399
10	КЛАДКА СТЕН КИРПИЧНЫХ ВНУТРЕННИХ ПРИ ВЫСОТЕ ЭТАЖА ДО 4 М	М3	6.84
11	УЛУЧШЕННАЯ ШТУКАТУРКА ЦЕМЕНТНО-ИЗВЕСТКОВЫМ РАСТВОРОМ ПО КАМНЮ СТЕН	100М2	0.681
12	ОБЛИЦОВКА СТЕН ГЛАЗУРОВАННОЙ ПЛИТКОЙ С ПРИМЕНЕНИЕМ ФУГОМАССЫ НА ЗАПОЛНЕНИЕ ШВОВ ПО КИРПИЧУ И БЕТОНУ БЕЗ УСТАНОВКИ ПЛИТОК ТУАЛЕТНОГО ГАРНИТУРА	100М2	0.7084
13	УСТРОЙСТВО ПОКРЫТИЙ НА ЦЕМЕНТНОМ РАСТВОРЕ ИЗ ПЛИТОК КЕРАМИЧЕСКИХ ДЛЯ ПОЛОВ МНОГОЦВЕТНЫХ	100М2	0.39
САНТЕХНИЧЕСКИЕ ПРИБОРЫ			
14	УСТАНОВКА НАГРЕВАТЕЛЕЙ ИНДИВИДУАЛЬНЫХ ВОДОВОДЯНЫХ	10КОМПЛ	0.3
15	УСТАНОВКА РАКОВИН ТИПА "ТЮЛПАН"	10КОМПЛ	0.9
16	УСТАНОВКА ПОДДОНОВ ДУШЕВЫХ ПЛАСТИКОВЫХ	10КОМПЛ	0.5
17	УСТАНОВКА СМЕСИТЕЛЕЙ	10ШТ	0.5
18	УСТАНОВКА УНИТАЗОВ С БАЧКОМ НЕПОСРЕДСТВЕННО ПРИСОЕДИНЕННЫМ	10КОМПЛ	1.4
19	УСТАНОВКА МОЕК НА ОДНО ОТДЕЛЕНИЕ	10КОМПЛ	0.1
20	ПРОКЛАДКА ТРУБОПРОВОДОВ ВОДОСНАБЖЕНИЯ ИЗ НАПОРНЫХ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫХ ТРУБ НИЗКОГО ДАВЛЕНИЯ СРЕДНЕГО ТИПА НАРУЖНЫМ ДИАМЕТРОМ 15 ММ	100М	1.5
21	ПРОКЛАДКА ТРУБОПРОВОДОВ КАНАЛИЗАЦИИ ИЗ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫХ ТРУБ ВЫСОКОЙ ПЛОТНОСТИ ДИАМЕТРОМ 100 ММ	100М	1.1

22	ПРОКЛАДКА ТРУБОПРОВОДОВ КАНАЛИЗАЦИИ ИЗ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫХ ТРУБ ВЫСОКОЙ ПЛОТНОСТИ ДИАМЕТРОМ 50 ММ	100М	1.7
ЭЛЕКТРООСВЕЩЕНИЕ			
23	КАБЕЛЬ ДВУХ-ЧЕТЫРЕЖИЛЬНЫЙ В ПОМЕЩЕНИЯХ С НОРМАЛЬНОЙ СРЕДОЙ СЕЧЕНИЕМ ЖИЛЫ ДО 10 ММ ² #КАБЕЛИ ПО УСТАНОВЛЕННЫМ КОНСТРУКЦИЯМ И ЛОТКАМ С УСТАНОВКОЙ ОТВЕТВИТЕЛЬНЫХ КОРОБОК	100М	2
24	УСТАНОВКА СВЕТИЛЬНИКОВ	100ШТ	0,12
25	ВЫКЛЮЧАТЕЛЬ ДВУХКЛАВИШНЫЙ НЕУТОПЛЕННОГО ТИПА ПРИ ОТКРЫТОЙ ПРОВОДКЕ	100ШТ	0,06
26	РОЗЕТКА ШТЕПСЕЛЬНАЯ УТОПЛЕННОГО ТИПА ПРИ СКРЫТОЙ ПРОВОДКЕ	100ШТ	0,06
ВЕНТИЛЯЦИЯ			
27	ПРОЧИСТКА ДЫМОХОДА ИЗ КРОВЕЛЬНОЙ СТАЛИ	100М	0,05
28	УСТАНОВКА РЕШЕТОК ЖАЛЮЗИЙНЫХ ПЛОЩАДЬЮ В СВЕТУ. ДО 1,5 М ²	РЕШЕТКА	12
29	УСТАНОВКА ВЕНТИЛЯТОР АИСИ-5	ШТ	12
ВЫГРЕБНАЯ ЯМА			
30	РАЗРАБОТКА ГРУНТА В ОТВАЛ В КОТЛОВАНАХ ОБЪЕМОМ ДО 500 М ³ , ЭКСКАВАТОРАМИ С КОВШОМ ВМЕСТИМОСТЬЮ 0,4 /0,35-0,45/ М ³ . ГРУППА ГРУНТОВ: 2	1000М ³	0,07333
31	РАЗРАБОТКА ГРУНТА ВРУЧНУЮ В ТРАНШЕЯХ ГЛУБИНОЙ ДО 2 М БЕЗ КРЕПЛЕНИЙ С ОТКОСАМИ, ГРУППА ГРУНТОВ 2 #ДОРАБОТКА ВРУЧНУЮ, ЗАЧИСТКА ДНА И СТЕНОК С ВЫКИДКОЙ ГРУНТА В КОТЛОВАНАХ И ТРАНШЕЯХ, РАЗРАБОТАННЫХ МЕХАНИЗИРОВАННЫМ СПОСОБОМ	100М ³	0,01333
32	УПЛОТНЕНИЕ ГРУНТА ПНЕВМАТИЧЕСКИМИ ТРАМБОВКАМИ. ГРУППА ГРУНТОВ 1, 2	100М ³	0,3
33	РАЗРАБОТКА ГРУНТА С ПОГРУЗКОЙ НА АВТОМОБИЛИ-САМОСВАЛЫ ЭКСКАВАТОРАМИ С КОВШОМ ВМЕСТИМОСТЬЮ 0,4 [0,35-0,45] М ³ . ГРУППА ГРУНТОВ 1	1000М ³	0,00733
34	ПЕРЕВОЗКА ГРУЗОВ АВТОМОБИЛЯМИ-САМОСВАЛАМИ ДО 5 КМ	Т	127,2
35	УСТРОЙСТВО ПОКРЫТИЙ ЩЕБЕНОЧНЫХ С ПРОПИТКОЙ БИТУМОМ	100М ²	0,30667
36	УСТРОЙСТВО ПОДСТИЛАЮЩИХ СЛОЕВ БЕТОННЫХ	М ³	9,26667
37	УСТРОЙСТВО СТЕН И ПЕРЕГОРОДОК БЕТОННЫХ ВЫСОТОЙ ДО 3 М. ТОЛЩИНОЙ ДО 500 ММ	100М ³	0,16667
38	УСТРОЙСТВО ГИДРОИЗОЛЯЦИИ ГОРИЗОНТАЛЬНЫХ ПОВЕРХНОСТЕЙ ОБМАЗОЧНАЯ БИТУМНАЯ В ОДИН СЛОЙ	100М ²	0,42
39	УСТРОЙСТВО ГИДРОИЗОЛЯЦИИ ГОРИЗОНТАЛЬНЫХ ПОВЕРХНОСТЕЙ. ОБМАЗОЧНАЯ БИТУМНАЯ НА КАЖДЫЙ ПОСЛЕДУЮЩИЙ СЛОЙ	100М ²	0,42
40	УСТАНОВКА ПАНЕЛЕЙ ПЕРЕКРЫТИИ С ОПИРАНИЕМ НА 2 СТОРОНЫ ПЛОЩАДЬЮ ДО 10 М ²	100ШТ	0,04
ОБОРУДОВАНИЕ			
41	ЭЛЕКТРОВОДОНАГРЕВАТЕЛЬ ТИПА АРИСТОН V-50Л	ШТ	3
42	ЕМКОСТЬ 2000Л	ШТ	2
ПЕРЕВОЗКА ГРУЗОВ			
43	ПЕРЕВОЗКА ГРУЗОВ АВТОМОБИЛЯМИ-САМОСВАЛАМИ ДО 5 КМ	Т	127,2

И.В.Х.Б. Сидоров
 И.В.Х.Б. Сидоров
 И.В.Х.Б. Сидоров

И.В.Х.Б. Сидоров
 И.В.Х.Б. Сидоров

И.В.Х.Б. Сидоров
 И.В.Х.Б. Сидоров
 И.В.Х.Б. Сидоров